

## «Вақф» хайрия жамоат фонди раиси тайинланди



15:53 / 18.01.2023 2976

Бугун, 18 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фонди Васийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди, Тошкент шаҳридаги «Бўта бува» жомеъ масжиди имом-хатиби Зиёвуддин домла Мирсодиқов «Вақф» хайрия жамоат фонди раиси вазифасини бажарувчиси этиб тайинланди.

Маълумот ўрнида, Зиёвуддин домла Мирсодиқов кўп йиллардан буён диний соҳада фаолият олиб борган. У Тошкент вилоятидаги «Турсунмат қори», «Эски Тошкент», Андижон вилоятидаги «Жиддаи Муборак», Тошкент шаҳридаги «Юнусобод-Оқ тепа» каби жомеъ масжидларда имом-хатиб вазифаларида ишлаган. Шунингдек, «Саййид Муҳйиддин Маҳдум» ва «Кўкалдош» мадрасалари мудир вазифаларида меҳнат қилган.

Зиёвуддин домла Мирсодиқовнинг келгусидаги шарафли ва масъулиятли ишларига Аллоҳ таолодан муваффақиятлар тилаймиз.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати*